

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ДОН ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ШАХТИ шахридаги  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ИНСТИТУТИ (филиал)**

**СТЕНЬКИНА МАРИЯ ПЕТРОВНА**

**БОШҚАРИЛАДИГАН ТЕРМОРЕГУЛЯЦИЯ ФУНКЦИЯЛИ ИССИҚЛИК  
САҚЛОВЧИ КИЙИМНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро–2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Стенькина Мария Петровна**

Бошқариладиган терморегуляция функцияли иссиқлик сақловчи кийимни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш..... 3

**Стенькина Мария Петровна**

Исследование и разработка теплозащитной одежды с функцией управляемой терморегуляции..... 23

**Stenkina Mariya Petrovna**

Research and development of heat-proof clothing with function controlled thermoregulation..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 45**

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Бухоро муҳандислик технология институти Илмий Кенгашининг веб-саҳифасида ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот – таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Черунова Ирина Викторовна</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Ташпулатов Салих Шукурович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Набижонова Наргиза Насимжоновна</b> техника фанлари доктори, доцент <b>Нутфуллаева Лобар Нуруллаевна</b> PhD доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Жиззах политехника институти</b>

Диссертацияни ҳимоя қилиш 2023 йил "16" февраль кuni соат 11-00 да, 200100, Бухоро шаҳри, К.Муртазоева кўчаси, 15-уй, Бухоро муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 202-аудитория манзили бўйича жойлашган, Бухоро муҳандислик технология институти қошидаги PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 илмий кенгаши йиғилишида бўлиб ўтади, телефон: (+99871) 223-78-83, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (диссертация 418 -сон билан рўйхатдан ўтган) манзил: Бухоро шаҳри, К.Муртазоева кўчаси, 15-уй, тел. (+99871) 223-78-83.

Диссертация автореферати 2023 йил "03" февраль кuni юборилди.  
(9 - сонли тарқатиш баённомаси 2023 йил "03" февраль)

**Х.Қ. Раҳмонов**  
Илмий даражаларни бериш бўйича  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Р.Х. Нурбоев**  
Илмий даражаларни бериш бўйича  
илмий кенгашнинг илмий котиби,  
т.ф.д., профессор



**М.А. Шарипов**  
Илмий даражаларни бериш бўйича  
илмий кенгаш хўрақидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (PhD) фалсафа доктори диссертациясининг реферати)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида дунёнинг кўплаб минтақаларида кузатиладиган совуқ циклон трендлари ва қиш фаслидаги паст хароратда кийиладиган тикув буюмларини яратишда қулай конструкция, иссиқликни сақлаш ва соғлиқ учун ҳавфсиз материалларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. «Дунё миқёсида совуқ шароитда кийиладиган тикув буюмларини ишлаб чиқариш бўйича Канада-6,3%, Норвегия-5,7%, АҚШ-7,2%, Финляндия-2,9%, Россия-14,1%, Хитой-16,5% ва Туркия-9,2%ни ташкил этади»<sup>1</sup>. Совуқ шароитда кийиш учун кийимига бўлган талабни ўсиши, махсус кийимларни ишлаб чиқаришда инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган дастурларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан қиш ҳамда мавсумлараро даврда очик ҳавода ишлаган вақтда ҳам (масалан, геологлар, темир йўл ва автомобил транспорти ишчилари, нефтчилар, қурувчилар, ФВВ ходимлари, денгизчилар ва бошқ.) махсус кийим қулайлигини ошириш ва эксплуатация даврига мослигини таъминлаш тикувчилик соҳасида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари, жумладан иссиқлик сақловчи махсус кийимини ишлаб чиқаришда техника ва технологияларини такомиллаштириш, янгиларини яратиш ҳамда илмий асосларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада иссиқлик сақловчи махсус кийими сифатини таъминлаш учун юқори гигиеник хусусиятларга эга материалларни яратиш, лойиҳалаш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва рационал параметрларни ҳамда илмий асосланган технологияларни ишлаб чиқишга, маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда ички бозорларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада тўқимачилик ва енгил саноат соҳасини такомиллаштириш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган ва турли экстремал шароитларда фойдаланишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш.., мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш..»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, совуқ шароитда фаолият юритувчилар учун ҳаёт ҳавфсизлигини таъминлайдиган иссиқлик сақловчи махсус кийимини сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup> <https://www.europages.info>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПФ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Одамлар учун иссиқликдан ҳимоя қилувчи кийимларни лойиҳалаш муаммоларини ҳал қилишда қўллаб рус ва хорижий олимлар, яъни Афанасьева Р.Ф., Колесников, П.А., Жаворонков А.И., Бринк И.Ю., Черунова И.В., Ташпулатов С.Ш., Бекмурзаев Л.А., Расторгуева Л.Н., Андреева Е.Г., Абрамов А.В., Советников Д.А., Мезенцева Е.В., Бурмистрова О.В., Бессонова Н.Г., Кудрявцев В.И., Лебедева Е.О., Иващенко И.Н., Тунгусова Н.А., Kuklane K., Holmér I., Havenith G., Parsons K., Wang F., Umbach K.H., Angelova R., Stankov P. ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Жаворонков А.И., Никитченко И.И., Власенко О.М., Сорокина Д.Н., Анисимов А.Н., Бабенко Л.Г., Климова Н. А. ва бошқалар терморегуляция элементлари билан кийимларнинг усуллари ва техник ечимларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшдилар.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган махсус кийимлар муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, терморегуляция функциясига эга термал ҳимоя кийимларининг узоқ муддатли совитиш пайтида ўзгарувчан фаоллик шароитида одамнинг иссиқлик ҳолатининг динамик ўзгарувчан кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва махсус кийим материаллари пакетига кирадиган ажралмас қисми сифатида алоқа воситаларини совуқдан ҳимоя қилиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация амалга оширилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Дон давлат техника университетининг Шахти шахридаги Хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг 11.9194.2017/БЧ-сонли “Музлаш шароитлари учун иқлим тоифаларини, механик эскиришнинг табиатини, замонавий юқори устки қисми материалларнинг физик, техник ва микроструктуравий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шельфнинг Шимолий ҳудудлари саноати учун иссиқликдан ҳимоя қилувчи кийимларни автоматлаштирилган ҳолда лойиҳалашда дастлабки маълумотларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш”, шунингдек 9732-сонли “Арктик совуқ шароитида

уяли алоқанинг барқарор ишлашини таъминлаш учун ҳимоя қопламасини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иссиқлик сақловчи махсус кийимни лойиҳалаш янги усуллари яратиш ва ишлаб чиқариш технологик жараёнлари асосида бошқариладиган терморегуляция функциясини тадбиқ қилиш ва иш режимларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инсоннинг иссиқлик қулайлигини таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш, узоқ муддатли совуқ иқлим шароитида "Одам-кийим-атроф-муҳит" тизимининг хусусиятларини ва терморегуляция даражаси юқори бўлган иссиқлик сақловчи кийимларни яратиш учун ресурсларни аниқлаш;

янги технологик усуллар асосида функционал қиздириш материаллари ва иссиқлик сақловчи кийим пакетларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш;

иссиқлик сақловчи кийимларнинг рационал терморегуляция қилинувчи тузилмалари параметрларини моделлаштириш ва ҳисоблаш учун математик аппарат ишлаб чиқиш;

инсон терморегуляциясининг илғор функцияларига эга бўлган патент билан ҳимояланган янги турдаги иссиқлик сақловчи кийимларни лойиҳалаш, кийимларга интеграциялашган электроникани термал ҳимоя қилиш, шунингдек, кийимни ҳарорат билан бошқариладиган терморегуляция қилинувчи иссиқлик сақловчи мажмуага айлантириш вазифаси учун назарий ва муҳандислик таъминотини ишлаб чиқиш;

иссиқлик сақловчи махсус кийим синовларини ўтказиш ва унинг техник-иктисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида иссиқлик сақловчи махсус кийим ва бошқариладиган терморегуляция жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инсон, материал, пакет ва улар учун қисмларнинг термал ҳимоясининг терморегуляция хусусиятларига эга кийимларни лойиҳалаш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тизимли ва мантиқий таҳлил, математик статистика, таркибий таҳлил ва алгоритмлаш усуллари, қаттиқ ва деформацияланадиган жисмларда термофизика ва термодинамика жараёнларини рақамли моделлаштириш усуллари, тажрибаларни режалаштириш ва қайта ишлаш усуллари, компьютер графикаси, кийимларни автоматлаштирилган лойиҳалаш усуллари, экспериментал тўқимачилик материалшунослиги усуллари, термал таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқот ва ишланмалар қуйидаги компьютер дастурий муҳити ва маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган: Microsoft Office, CorelDraw X3, OpenFOAM, clo3D, COMSOL Multiphysics, CAD «Novo-cut».

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

"инсон – кийим - автоном функционал алоқа воситалари – совитиш муҳити" тизимининг янги концепцияси яратилган бўлиб, унинг асосида инсон ва унинг хавфсизлиги учун зарур бўлган мобил электрон воситалари учун иссиқлик сақловчи махсус кийим ва терморегуляция қилинувчи асосий

материал, унга нисбатан иссиқлик сақловчи пакет, иситиш тизимини жойлаштириш каналлари каби конструкциялари шакллантирилган;

иссиқлик сақловчи махсус кийим материаллари пакетларининг термофизик хусусиятлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда одамнинг термал модели ишлаб чиқилган ва "Инсон-терморегуляция қилинувчи кийим – совутиш муҳити" тизими учун иссиқлик жараёнларини инсон организмнинг термик реакцияларини локализациясини, чиқувчи иссиқлик оқимининг ўзгарувчанлик даражасини ва функционал жиҳатдан боғлиқ бўлган шамол босими таъсири каби омилларни ҳисобга олган ҳолда рақамли моделлаштириш амалга оширилган;

мобил алоқа электрон воситалари учун (иситиладиган ва иситилмайдиган) иссиқлик сақловчи ғилофни сирт ҳароратининг совутиш муҳитининг ҳароратига, шамол тезлигига, намлик даражаси каби омилларга функционал боғлиқлиги аниқланган;

турли хил материаллар учун гибрид контурли қизитиш материаллари(ГКҚМ)нинг термик қаршилиги тобелигининг материалнинг қалинлиги, ишқаланишга чидамлилиги, деформацияланиши каби хоссаларига боғлиқ ҳолда функционал моделлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

полимер негизнинг лазер деструктурлаш асосида контурли қизитгичларни иссиқлик сақловчи кийимга термопластик елимсиз яхлит ҳолга келтириш йўли билан гибрид контурли қизитиш материалларни (ГКҚМ) олишнинг янги технологик усули асосланган;

замонавий талаб қилинадиган тўқимачилик материалларининг долзарб намуналари аниқланди ва кийимларни бошқариладиган иситиш тизимини яратиш учун механик ва термофизик хусусиятлар нуқтаи назаридан энг самарали пакетлар белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Тадқиқот натижалари илмий тадқиқотларнинг замонавий ва классик усулларидан фойдаланган ҳолда олинган бўлиб, тадқиқотнинг назарий ва экспериментал натижаларига мувофиқлиги, таклиф қилинган ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар томонидан ижобий баҳоланиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий қиймати, бунинг учун инсоннинг термодинамик реакцияларининг хусусиятлари ва локализациясини ҳисобга олган ҳолда ушбу тизимдаги иссиқлик жараёнларини тавсифловчи рақамли моделлаштириш моделлари гуруҳи ва нафақат инсон, балки унинг иссиқлик сақловчи махсус кийимдаги мобил электроника воситалари ҳавфсизлиги учун зарур бўлганлиги, иссиқлик ўтказувчан материалларни юпқа қатламларга контурли интеграциялашнинг янги технологияси асосида ишлаб чиқарилганлиги ва ишлаб чиқарилган кийимларнинг термофизик хусусиятларининг ўрнатилган моделлари ишлаб чиқилганлиги, “Инсон-кийим-автоном функционал алоқа воситалари-совутиш муҳити” тизими асосида терморегуляция қилинувчи

иссиқлик сақловчи махсус кийим лойиҳалашнинг янги концепциясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мобил электрон қурилмалар билан иссиқлик сақловчи махсус кийимларнинг таркиби, параметрлари ва конфигурацияси, технологик таркибий қисмларини аниқлашнинг янги усуллари ва алгоритмлари асосида ишлаб чиқарилганлиги ва ишлаб чиқаришга етказиб берилган махсус иссиқлик сақловчи терморегуляция қилинувчи махсус кийимларнинг кенгайтирилган функционалиги ва совуқда одамни ҳимоя қилиш ва мослашиш даражасининг ошиши мавжуд ассортиментни кўпайтиришга имкон берганлиги, ўрнатилган иситиш тизими (бошқариладиган терморегуляция) мавжуд иссиқлик сақловчи махсус кийимнинг махсус конструкцияларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларини жорий қилиш.**

Бошқариладиган терморегуляция функцияси билан иссиқликдан ҳимоя қилувчи кийимларни лойиҳалаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

бошқариладиган терморегуляция функцияли иссиқлик сақловчи махсус кийим ва мобил электрон қурилмалари ғилофи таркибий қисмлари ва материаллар пакетларини лойиҳалаш услуги "Техноформ" ТПП МЧЖ корхонасида жорий этилди (1105/1-сонли, 2021 йил 28-декабрдаги расмий хати). Натижада, мазкур ассортиментни ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли даражада камайтириш ва маҳсулот нархини импорт нархига нисбатан 1,4 баробар арзонлаштиришга эришилган;

бошқариладиган терморегуляцияли иссиқлик сақловчи махсус костюмнинг яратилган конструкциялари, унинг пакет ва қисмларига материалларни бутлаш бўйича тавсиялар, паст ҳарорат режимида иш шароитлари учун терморегуляция (кийимларни автоматик иситиш элементлари) тизимига эга бўлган махсус кийимлар "БВН инжиниринг" МЧЖ корхонасида жорий этилди (271-сонли 2021-йил 29-декабрдаги расмий хати).\_\_Натижада кийим комплектини ишлаб чиқишда кийим деталларини рационал жойлашмасини қўлланилиши ва хомашё сарф харажатлари камайиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини 5%га ошириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та илмий-амалий конференцияларда, шунингдек 15 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий нашр мавжуд, шу жумладан: Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияларининг диссертация тадқиқотларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та иш, SCOPUS халқаро базасида индексланган хорижий нашрларда 4 та мақола, бошқа нашрлар (журнал ва конференция материаллари)да 19 та мақола ва Россия Федерациясининг sanoat mulki федерал институтида рўйхатдан ўтган 3 та патент: ихтиро учун RU 2711059-

сонли, фойдали модел учун RU 197847-сонли, фойдали модел учун RU 194096-сонли патентлар олинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объектлари ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Узоқ муддатли совуқ иқлим шароитида инсоннинг иссиқлик қулайлигини таъминлашнинг муаммолари ва манбалари"** деб номланган биринчи бобида совуқ муҳитининг табиий-иқлимий хавф омиллари ўрганиб чиқилган, уларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, совуқ муҳит омиллар комбинацияси билан белгиланади (паст ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги, шамол тезлиги) ва сайёрамизнинг кўплаб мамлакатлари, шимолий ва тоғли худудлари, Жанубий мамлакатларнинг қиш даври учун хосдир ва айниқса ҳозирги вақтда Арктика минтақаси учун муҳимдир.

Совуқнинг одамга таъсир қилиш давлари нафақат турли хил жисмоний фаоллик интенсивлигидаги одамнинг ҳаётини фаолиятига, балки одамнинг терморегуляцияси уйғониш давридан (циркадли ритмдан) фарқ қиладиган дам олиш ва ҳатто ухлаш даврига ҳам таъсир қилиши мумкинлиги аниқланди. Фавқулодда вазиятларда одамнинг совуқ шароитида бўлиш вақти кўпаяди, танада ҳаддан ташқари совуқ кучланиш пайдо бўлади. Бунда инсон танасининг физиологик терморегуляцияси имкониятлари чекланган. Натижада, 1-расмда кўрсатилганидек, кийимдаги одамни терморегуляция қилиш усуллариининг кўп даражали таснифи ишлаб чиқилди, унда физиологик ва хулқ-атвор (сунъий) терморегуляция таъкидланган, бу ерда кийимдаги терморегуляцияни таъминлаш усулига қараб даража батафсил баён этилган.

Чет элларда терморегуляция функциясига эга бўлган иссиқлик сақловчи махсус кийим ва мавжуд илмий ютуқлари, ишланмаларини таҳлил қилиш уларда узоқ вақт совуқ пайтида ўзгарувчан фаолият шароитида одамнинг иссиқлик ҳолатининг динамик равишда ўзгариб турадиган кўрсаткичларини ҳисобга олишнинг чекланганлигини, мавжуд иситиш воситалари эса ўртача иссиқлик таъминоти параметрларига эга эканлигини тасдиқлайди, бу нафақат унинг нуқсонига, балки, юқори энергия сарфини ва иссиқлик сақловчи кийимдаги одамнинг иссиқлик балансининг умумий самарасиз кўрсаткичларини шакллантириб, қизиқ кетишига олиб келади.



**1-расм. Кийимдаги одамнинг терморегуляция қилиниш усуллари таснифи**

Ҳозирги замонда совуқ ҳаёт шароитида, айниқса узоқ муддатли автоном совуқ шароитида инсон хавфсизлиги кўпинча электрон алоқа воситалари томонидан қўллаб-қувватланилиши аниқланган.


Улар кийимларнинг махсус қисмларига (чўнтаклар ёки бошқа конструктив бўлинмаларига) жойлаштирилиши ҳисобга олинган ҳолда, электрон алоқа (алоқа) қурилмаларини иссиқлик сақловчи кийим тизими билан жорий бириктириш бўйича янги концепция яратилди ва таклиф қилинди.

Ушбу концепция "Инсон-кийим-ҳаёт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг автоном функционал тизимлари (алоқа воситалари) - соғутиш муҳити" тизимини ўрганиш ва ишлаб чиқиш зарурлигини аниқлашга имкон берди, унда нафақат одамлар учун, балки кийимда зарур бўлган мобил электрон воситалари учун ҳам термал ҳимоя ва терморегуляция талаб қилинади. Умумий фойдаланиш учун ҳам, шахсий ҳимоя воситаларида (ШХВ) фойдаланиш учун ҳам кўриб чиқилаётган иш шароитлари учун талаб қилинадиган замонавий тўқимачилик материаллари (устки материаллар, изоляция материаллари ва астар материаллари)нинг замонавий намуналари аниқланди, ўрганилди ва тизимлаштирилди. Материаллар учун ўрнатилган параметрлар ва хусусиятлар, технологик жараёнларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқиш босқичида ҳам, ахборот таъминотининг таркибий қисмлари сифатида назарий ўрганиш босқичида ҳам (шу жумладан математик моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда) жуда зарурдир.

Материалшунослик, кимёвий технологиялар ва электротехника соҳасидаги замонавий ютуқларни таҳлил қилиш асосида бошқариладиган иситиш тизимини яратиш учун тикув буюмлари технологияси соҳасида янги ва кам ўрганилган кийимларни йўналтирилган иситиш учун замонавий функционал материаллар тизимлаштирилди ва асосланди, шунинг учун улар қўшимча тадқиқотлар талаб қилади.

Диссертациянинг «**Функционал қиздириш материаллари ва иссиқлик сақловчи терморегуляция қилинувчи кийим пакетларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида, терморегуляция қилинувчи иссиқлик сақловчи кийимлар учун материаллар пакетларини шакллантиришнинг мантиқий тузилиши ишлаб чиқилган бўлиб (2-расм), унда

терморегуляция қилинадиган элементни жойлаштириш кетма-кетлигига қараб 4 турдаги пассив ва фаол термал ҳимояга эга пакетларни яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган. 3 турдаги пакетлар (П1 - пассив ҳимоя материалларининг асосий пакети / иситишсиз); П2 - одамни фаол термал ҳимоя қилиш учун қўшимча материаллар пакети / иситиш билан;



A – иссиқлик ўтказмайдиған толали материал, B – қиздирувчи материал, C – саноат хавфсизлиги талабларига ёки бошқа эксплуатация шaroитларига мувофиқ устки қисм матолари, D – кийимга интеграция қилинган меҳнат фаолияти элементларининг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун материаллар (алоқа воситалари), E1 – корпоратив рангли устки материаллари, E2 – кўриниш даражаси юкори материаллар, F – гигиеник талабларга мувофиқ материаллар, M min – маҳсулот пакетларининг умумий оғирлигини камайтирадиған материаллар.

**2-расм. Терморегуляция қилинувчи иссиқлик сақлайдиған кийим учун материал пакетларини ишлаб чиқиш учун мантиқий тузилма**


П3 - кийимга интеграцияланган электрон мобил коммуникация / алоқа воситаларини маҳаллий ҳимоя қилиш учун қўшимча материаллар пакети) совуқдан ҳимоя қилишнинг, иш фаолияти, гигиена ва эргономиканинг умумий мезонларига жавоб беради ва терморегуляция функцияси бўлган кийимни лойиҳалаштириш тизимларида ишлатилиши мумкин. П2 ва П3 пакетларида эргономик қиздириш қатламини таъминлаш учун бир вақтнинг ўзида иссиқликни ўтказиш пайтида

асосий материални маълум бир контур бўйлаб лазер билан деструкция қилиш асосида иссиқлик сақловчи кийимнинг материалларига контурли полимер иситгичларни термопластик элимсиз интеграциялашнинг янги усули таклиф этилади ва ҳосил бўлган каналга ипларни ўтказиш.

Лазер таъсирида асос материалининг қисқа муддатли юкори ҳароратли қиздирилиши туфайли контакт юзанинг юпқа қатлами эриши билан иссиқлик ўтказувчан полимер иплар каналга бириктирилади. Бундай технология лазерли ўйма ускуналар ва янги гибрид контур-қиздириш материаллари (ГКХМ) бўлган экспериментал намуналарни олиш (3-расм) ёрдамида синовдан ўтказилди.

Тавсия этилган усул бўйича технологик ишлов беришдан сўнг деталларнинг шакли деформациясига асосий материал турининг таъсири

экспериментал равишда аниқланди, бунда материаллар намуналарининг ҳақиқий ўлчамларининг лойиҳалаштирилганидан максимал оғиши кўпикли резина учун 4%, табиий ва сунъий тери учун 0,5%, силикон пластина учун 0,5% ни ташкил этди, бу ГҚҚМ дан терморегуляция қилувчи кийим элементларининг контурини лойиҳалашда эътиборга олиниши керак бўлган техник тузатишдир.



### 3-расм. Кийим учун янги гибрид контур-қиздириш материали схемаси ва тажрибавий намунаси

Иссиқликни сақлаш нуқтаи назаридан ГҚҚМнинг энг самарали вариантларини аниқлаш учун намуналарни иситиш ва совутиш вақтини баҳолаш учун қиёсий экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Аниқланишича, ўтказилган қиздириш иплари бўлган кўпикли резина асосидаги деталлар, материалнинг структурасига тўқилган қиздириш иплари билан махсус тайёрланган трикотажд деталларга нисбатан, 14% га тезлаштирилган қиздириш режими ва 20% га чўзилган совутиш режими билан тавсифланади, бу ГҚҚМ учун мумкин бўлган асос сифатида кўпикли резина фойдасига янада самарали иссиқлик тежовчи эффектни кўрсатади.


ГҚҚМ асосидаги кўпикли резина ва силикон пластина технологик деформацияланган намуналарни чўзувчи кучлар остида синовдан ўтказишда мустаҳкамликни йўқотмаслиги аниқланди. Бунда, қалинлиги 1 мм бўлган табиий тери технологик жиҳатдан қайта ишланган материалнинг чўзувчи кучларга нисбатан энг паст чидамли материал бўлиб чиқди, бу турли соҳаларда структуранинг кўп учрайдиган ҳар хиллиги билан изоҳланади, шунинг учун ушбу материалдан фойдаланиш бундай деталларни чўзилиш кучларига энг кам дучор бўлган кийим жойларида, шу жумладан электрон алоқа мосламаларини жойлаштириш билан (ПЗ) турдаги материаллар пакетларида локализация қилишни талаб қилади.

Технологик қайта ишланган ГҚҚМ материалларининг механик ишлаш хусусиятларининг экспериментал тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ГҚҚМ асоси учун ишқаланишга энг бардошли материаллар 3 мм қалинликдаги сунъий тери (6139 цикл) ва 3 мм қалинликдаги табиий тери (6114 цикл) бўлиб, уларни

эксплуатацион ишқаланиш кучайган жойларда кийим деталлари учун (П2) турдаги пакетларда ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Янги ГҚҚМнинг иссиқлик хусусиятларини ўрганиш натижалари умумий мантиқий трендни тасдиқлади, бунда материалларнинг қалинлиги ошиши билан термик қаршилиқ ҳам ортади. Асоснинг турли хил материаллари учун ГҚҚМнинг иссиқлик қаршилигининг қалинликка мос келадиган боғлиқликларининг графиклари ва математик функциялари олинган (4-расм). Силикон пластина ва қалинлиги 0,003 м табиий тери асосида олинган ГҚҚМ бошқа ўрганилган намуналарга қараганда яхшироқ иссиқлик изоляцияси хусусиятларига эга ва кийимнинг ички томонини совутиш хавфи юқори бўлган зоналарда кийим пакетлари, шу жумладан (П2) ва (П3) пакет турлари учун тавсия этилади.

Замонавий иситгичларни ўрганиш натижалари ва ГҚҚМ бўйича экспериментал маълумотлар тахлили асосида, комбинацияланган пакетларнинг вариантлари ишлаб чиқилган, тайёрланган ва ўрганилган, улар орасида пакетлар (В - силикон пластина + холлофайбер), (Г - табиий тери + шелтер), (Е – табиий тери + холлофайбер) иссиқлик сақловчи кийимнинг қобиғининг ички терморегуляция қилувчи қатламлари сифатида фойдаланиш учун энг юқори иссиқлик изоляцияси хусусиятларини кўрсатди.




**4-расм. Материалларнинг иссиқликка чидамлилиги:** а) - табиий тери, б) - сунъий тери, с) - кўпикли резина, д) - силикон пластина

Тадқиқот натижалари зарур технологик операциялар сонини камайтириш ва материал сарфини ҳамда деталларда контур схемалар бўйича қиздирувчи материалларни ўтқизиш бўйича меҳнат вақтини қисқартириш билан бирга

иссиқлик сақловчи кийимнинг терморегуляция қилувчи қисмлари учун гибрид контур-қиздириш материаллари ва уларнинг пакетларини яратишнинг янги технологик усулини асослаш, ишлаб чиқиш ва қўллаш имконини берди. Бу ҳолда, бундай деталлар қўшимча равишда инсоннинг ўзи ва унинг электрон алоқа воситалари учун термал ҳимояни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, одамга етишмаётган иссиқликнинг миқдори ва моменти тўғрисида керакли маълумотларни аниқлашни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Интеграцияланган мобил қурилмалар билан иссиқлик сақловчи кийимдаги сунъий терморегуляция тизимини назарий асослаш”** деб номланган учинчи бобда, совуқ муҳит шароитларини, физиологияни, материалларнинг хусусиятларини, одамни ва унинг алоқа воситаларини совуқдан комплекс ҳимоя қилиш концепциясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кийимдаги одам учун зарур бўлган иссиқлик таъминотини тақсимлаш тизимининг рақамли математик моделлаштирилиши ва ишлаб чиқилиши бажарилди. 5-расмда кийим кийган одам атрофидаги иссиқлик оқимларининг йўналиши ва кесишиш хусусиятлари кўрсатилган "Одам-иссиқлик сақловчи кийими-атроф-муҳит" тизимидаги иссиқлик жараёнларини математик моделлаштиришнинг асосий тамойилларини шакллантиришнинг асосий схемаси кўрсатилган.




Эркаклар типик қомати антропометрик ўлчамлари асосида одам танасининг рақамли модели clo3d дастурий муҳити асосида ишлаб чиқилган (6, а расм) ва ва OpenFOAM дастурий платформасида

**5-расм. Локал иситиш даврида иссиқликнинг тарқалиш схемаси**

мультифизик жараёнларни рақамли моделлаштириш муҳитига интеграциялаштирилди. Одам танасининг иссиқлик модели унинг биофизик параметрлари асосида коррективировка қилиниб, ишончлилиги оширилди.

Сўнгра OpenFOAM дастурий муҳитида инсон танаси моделидан иссиқлик оқимини моделлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Инсон танасидан иссиқлик оқимининг бир текис бўлмаган тақсимоти белгиланди, бу тана сиртини алоҳида 34 та (жумладан, симметрик) сегментга бўлинишини белгилади (6-расм, б), сегментлар бир биридан иссиқлик хусусиятлари ва шунга мос равишда иссиқлик изоляциясига қўйиладиган талаблар билан фарқланади.



**6-расм. Зоналанган кийим юзаси учун иссиқлик алмашинуви жараёнларини рақамли моделлаштириш тизимида одам (а) ва кийимдаги одамнинг рақамли 3D моделлари**

OpenFoam муҳитида иссиқлик-масса алмашинуви назариясига асосланган ҳолда тана модели юзасида мос келадиган ҳароратни аниқлаш учун ҳисоб-китоблар амалга оширилди (1)

$$\rho C_p \frac{\partial T}{\partial t} = \lambda \left( \frac{\partial^2 T}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 T}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 T}{\partial z^2} \right) + f \quad (1)$$

бу ерда  $C_p$ , солиштирма иссиқлик сифими, Дж/(кг·°C);  $\lambda$  - иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/м·°C;  $\rho$  – зичлик, кг/м<sup>3</sup>;  $f$  – иссиқлик ишлаб чиқариш функцияси.

Қуйидаги чегара шароитларда:  $\dot{q} = \dot{q}_{specified}$  инсон танасида,  $T = T_{air}$  (иссиқлик тизимининг одам танасидан 5 м. масофага ўрнатилган).

1-жадвалда атроф-муҳит ҳарорати -22°C бўлганда ва 30 мм қалинликдаги иссиқлик сақловчи кийимдаги одам модел танасидаги ҳароратнинг тақсимланиши (қўшимча иситиш манбалари бўлмаган кийимлар, одамни совуқдан изоляция қилишнинг пассив тизими) рақамли моделлаштириш натижалари келтирилган.

Назарий ва жисмоний тажриба натижалар ўртасидаги тафовут 5% атрофида аниқланди. Бу инсон танасининг ишлаб чиқилган термал моделига етарлича ишончни кўрсатади, ушбу моделни моделлаштириш ва кийимдаги сунъий иситишнинг зарур манбаларининг параметрларини ҳисоблаш учун ишлатиш имконини беради.

Моделлаштиришнинг кейинги босқичида шамолнинг кийим юзасига таъсири ва унинг хусусиятлари ҳисобга олинди. Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти натижалари  $\Delta P$  ортиқча босим функцияси сифатида қуйидаги полином шаклида тахмин қилинади:

$$\lambda = 0,22 + c_1 \Delta P + c_2 \Delta P^2 \quad (2)$$


**1-жадвал.**  
**Инсон танасининг термал моделини оптималлаштириш тизимидаги рақамли моделлаштириш натижалари (атроф-муҳит ҳарорати -22°C, қўшимча иситиш манбалари бўлмаган кийимлар, қалинлиги 30 мм).**

Иссиқлик сақловчи кийимдаги инсон қомати термал модели зонасининг № (6, б расм)	Зонанинг умумий иссиқлик оқими, Вт
1	2,74
2	1,84
3	0,34
4	0,39
5	1,76
6	0,56
7	0,70
8	0,68
9	0,16
10	2,57
11	3,19
12	0,46
13	0,52
14	2,07
15	1,65
16	2,35
17	0,06
18	3,97

«Одам-иссиқлик сақловчи кийим-муҳит» тизимида иссиқлик алмашинуви жараёнларини моделлаштириш натижаси инсоннинг белгиланган ҳарорат шароитида туриши учун зарур бўлган иссиқлик таъминотини зонал тақсимлаш тизими ишлаб чиқилди.

«Тикув маҳсулотининг иссиқлик сақловчи қисми - электрон алоқа қурилмаси - атроф-муҳит» тизимининг компонентларининг иссиқлик таъсирини баҳолаш учун модел ишлаб чиқилди ва ҳисоб-китоблар амалга оширилди, бу тизим учун электрон алоқа воситаси бўлган иссиқлик сақловчи ғилофнинг геометрик модели


яратилган. “Иссиқлик сақловчи ғилоф – электрон алоқа қурилмаси – атроф-муҳит” тизимида иссиқлик алмашинуви жараёнини математик моделлаштиришни амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилди.



**7-расм. Иссиқлик сақловчи ғилофнинг сирт ҳароратининг (иситиш билан ва иситишсиз) совутиш муҳити ҳароратига боғлиқлиги**

Ўрганилаётган тизимни моделлаштириш натижасида иссиқлик сақловчи ғилофнинг сирт ҳароратининг (иситиш билан ва иситишсиз) совутиш муҳити ҳароратига боғлиқлиги аниқланди (7-расм). Математик моделлаштириш жараёнида олинган иситиладиган ғилофнинг сирт ҳарорати рухсат этилган даражадан ошмаслиги ва иситишсиз иссиқлик сақловчи ғилофнинг сирт ҳарорати алоқа мосламасининг тўлиқ ишламай қолиши эҳтимоли юқори бўлган шароитда эканлиги аниқланди.


Диссертациянинг “**Бошқариладиган терморегуляция функциясига эга бўлган иссиқлик сақловчи тикув буюмларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш**” деб номланган тўртинчи бобда табиий совуқ шароитда бошқариладиган терморегуляция функциясига эга бўлган иссиқлик сақловчи кийимларнинг экспериментал тадқиқотлари ўтказилди. Математик моделлаштириш натижалари бўйича аниқланадиган зонали иссиқлик оқимларини тақсимланган ҳолда узатишнинг ишлаб чиқилган тизими асосида иссиқлик сақловчи куртка ишлаб чиқилган бўлиб, унда ички терморегуляция қатлами схема бўйича ГҚҚМдан тузилган деталларнинг тартибли тизимидир (8-расм). Куртка параметрлари математик моделнинг параметрларига мос келади. «Автоматик терморегуляцияли куртка» RU 194096 сонли фойдали модел учун Россия Федерацияси Патенти билан ҳимояланган.



**8-расм. Эркақлар учун иссиқлик сақловчи куртканинг иситиш элементларининг жойлашув схемаси**

Ишлаб чиқилган моделларнинг валидацияси ва эришилган инсоннинг термал ҳимояси сифати Россия Федерациясининг Заполярье зонасида табиий климатик совуқда  $-40^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ва 10-12 м/с шамолда ўрганилди. 9-расмда совуқда, тик турган ҳолда, ҳаракатнинг тўлиқ йўқлигида кийимда турган одамнинг термал ҳолатининг динамикасини акс эттирувчи график кўрсатилган.

Жисмоний тажрибалари натижалари ишлаб чиқилган математик моделларни валидациялаш, шунингдек, иссиқлик сақловчи кийимдаги



**9-рasm. Терморегуляция қилувчи иссиқлик сақловчи курткани натура тадқиқ қилиш натижалари (термал ҳолатнинг совутилган ноқулайлик зонасига ўтиш динамикаси)**

«мослашувчан» иситиш ва терморегуляциянинг ишлаб чиқилган тизими совуқ ҳавода узлуксиз ишлаш учун белгиланган меъёрларга нисбатан 2 баравардан кўпроқ вақт мобайнида ўта қаттиқ совуқ шароитларда, ҳатто минимал термал жисмоний фаоллик билан ҳам одамнинг хавфсиз узлуксиз ишлашига имкон беришини аниқлашга ёрдам берди.

Янги ГКҚМдан фойдаланган ҳолда терморегуляция функциясига эга тикув маҳсулотларининг янги турлари ишлаб чиқилди ва тадқиқ қилинди: мобил электроника учун иссиқлик сақловчи ғилоф (Россия Федерациясининг фойдали моделга патенти № RU 197847). Совуқ шароитларда кун давомида циркад ритмларни ҳисобга олган ҳолда иссиқлик сақловчи кийимлардан функционал фойдаланиш диапазонини кенгайтириш концепциясини амалга ошириш ишлаб чиқилган тикув маҳсулоти-трансформер билан ифодаланди. Маҳсулотни (куртка) ухлаш копига трансформация қилинганида, терморегуляция қилинувчи мобил модул ўз ҳолатини ўзгартиради ва шу билан иситиш соҳаси бадандан оёқларга йўналтирилади, бу совуқ шароитда уйқу пайтида инсоннинг зарур терморегуляциясини таъминлаш учун айниқса муҳимдир. Бундай трансформер кийимнинг ишлаши ва кийим ости соҳасининг қулайлигини назорат қилиш учун сезиладиган ҳароратнинг шамол тезлигига кийимнинг иссиқлик изоляциясига; инсон танасининг сирт майдонига; юрак уриш тезлигига; кийим остидаги термал мувозанатнинг иссиқлик чегарасини назорат қилиш даражасини бошқариш учун қўлланиладиган кийим остидаги ҳавонинг нисбий намлигига функционал боғлиқлиги ишлаб чиқилган, ишлаб чиқариш корхонаси учун муҳандислик таъминотининг ишлаб чиқилган элементлари билан қўллаб-қувватланадиган трансформация қилинувчи иссиқлик сақловчи кийимнинг терморегуляциянинг автоматик тизимининг ишлаши алгоритмига киритилган. «Инсоннинг мобил ҳимояси учун

трансформацияланувчи куртқа» маҳсулоти учун Россия Федерациясининг ихтирога патенти № RU 2711059 олинган.

## ХУЛОСА

Бошқариладиган терморегуляция функцияли иссиқлик сақловчи кийимни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш борасида олиб борилган тадқиқотлардан олинган натижаларни тахлили асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни келтириш мумкин:

1. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида совуқ муҳит турли омилларнинг (паст ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги, шамол тезлиги) комбинацияси билан белгиланиши ва кун давомида одамнинг оғир жисмоний ҳаракатларидан тортиб, одамнинг терморегуляцияси сезиларли даражада фарқ қилувчи ва терморегуляция қилинувчи кийимда тегишли ечимларни талаб қилувчи уйқу ҳолатигача (циркад ритм) инсоннинг кун давомидаги турли даражадаги фаоллиги билан бирлаштирилиши мумкинлиги аниқланди.

2. «Инсон - кийим - автоном функционал коммуникация мосламалари - совутиш муҳити» тизимининг янги концепцияси ишлаб чиқилди, асосланди, ва таклиф қилинди, унинг асосида нафақат инсон учун, балки унинг хавфсизлиги учун зарур бўлган кийимдаги мобил электроника воситалари учун иссиқликни сақлаш ва терморегуляция лойиҳаси ҳам шакллантирилди.

3. Актуал материаллар ўрганилди ва қўшимча равишда тадқиқ қилинди, уларнинг пакетлари ишлаб чиқилди ва тадқиқ қилинди, инсон ва электрон воситаларни совуқдан ҳимоя қилишни ҳисобга олган ҳолда иссиқлик сақловчи кийимдаги материалларнинг устувор вариантлари бўйича бир қатор хусусиятлар аниқланди тавсиялар шакллантирилди.

4. Кийимга керакли иссиқликни етказиб берувчи локал-зоналаштирилган тизимни шакллантириш учун зарур бўлган гибрид контур-қиздириш материалларини (ГКҚМ) олишнинг янги технологик усули таклиф қилинди ва синовдан ўтказилди – материалларини лазер билан деструктуризация қилишга асосланган бу тизим контур иситгичларни иссиқлик сақловчи кийим материалларига термопластик елимсиз интеграциялаш усулидир. Бу усул учун технологик жиҳатдан қайта ишланган материаллар хоссаларининг функционал қонуниятлари ўрнатилди ва уларни тўғри танлаш бўйича тавсиялар олинди.

5. Ҳар хил турдаги кийимларда ГКҚМ олишнинг ишлаб чиқилган усулини қўллаш учун рақамли моделлаштириш соҳасида бир қатор назарий тадқиқотлар олиб борилди ва омиллар мажмуасига асосланган ҳолда кийимни иссиқлик билан таъминлаш учун зоналаштирилган ечимлар ўрнатилди. Бунинг моҳияти шундаки, кийим конструкциясида электрон қурилмаларни ҳисобга олиш бўйича таклиф этилаётган концепция ишлаб чиқилган, кийим ва автоном тикув маҳсулотларининг ҳимоя қисмларида совуқда алоқа воситаларининг ишлаши учун етарли бўлган шарт-шароитларни белгиловчи иссиқлик параметрларини тақсимлаш бўйича муҳим натижаларга эришилган.

6. Моделлаштириш ва ГҚҚМнинг тавсия этилган технологияси натижалари янги функцияларга эга бўлган тикув маҳсулотларини яратишда муваффақиятли амалга оширилди: автоматик терморегуляция функциясига эга курткалар, мобил электроника ҳамда ўз функциясини, конструкциясини, тизимини ва иссиқлик таъминоти худудларининг локациясини мобил тарзда ўзгартирадиган, ва шу билан кун давомида барча турдаги жисмоний фаолият учун иссиқлик сақловчи махсус кийимга эга бўлиш учун реал имконият яратадиган куртка-трансформер учун терморегуляцияли иссиқлик сақловчи ғилоф.

7. Назарий моделларнинг валидацияси, табиий совуқ шароитида янги кийимда одамнинг термал ҳимоясини текшириш шуни кўрсатадики, яратилган терморегуляция тизими одамга, ҳатто минимал жисмоний фаоллик ҳолатида, белгиланган меҳнат меъёрларида белгиланган қаттиқ совуқда ўтказадиган вақтни 2 баробарга оширишга ёрдам беради.

8. Диссертация тадқиқоти натижалари асосида яратилган юқори технологияли интеллектуал мулк объектлари Россия Федерациясининг учта патенти билан ҳимояланган.

9. Диссертация тадқиқотининг натижалари Россиянинг иккита йирик тикувчилик корхонасида: “ТПП Техноформ” МЧЖ ва “БВН инжиниринг” МЧЖда муваффақиятли жорий этилган бўлиб, жорий этиш ҳажми 1 578 000 рублни (216 186 000 сум) ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ИНСТИТУТ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА  
(филиал) ДОНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА в г. Шахты**

**СТЕНЬКИНА МАРИЯ ПЕТРОВНА**

**ИССЛЕДОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА ТЕПЛОЗАЩИТНОЙ ОДЕЖДЫ  
С ФУНКЦИЕЙ УПРАВЛЯЕМОЙ ТЕРМОРЕГУЛЯЦИИ**

**05.06.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюма**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара–2023**

Диссертация выполнена в Институте сферы обслуживания и предпринимательства (филиале) Донского государственного технического университета в г. Шахты Ростовской области.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Бухарского инженерно-технологического института ([www.bmti.uz](http://www.bmti.uz)) и на информационно – образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Черунова Ирина Викторовна</b> доктор технических наук, профессор
Научный консультант:	<b>Ташпулатов Салих Шукурович</b> доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Набижанова Наргиза Насимжановна</b> доктор технических наук, доцент <b>Нутфуллаева Лобар Нуруллаевна</b> доктор PhD, доцент
Ведущая организация:	Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «16» февраля 2023 года в 11-00 часов на заседании Научного совета PhD.03/29.10.2021.T.101.03 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200100, г. Бухара, ул. К.Муртазоева,15, Административное здание Бухарского инженерно-технологического института, 202-аудитория, тел. (+99871) 223-78-83, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (диссертация зарегистрирована за № 418) Адрес: Бухара, ул. К.Муртазоева,15, тел. (+99871) 223-78-83.

Автореферат диссертации разослан «03» февраля 2023 года  
(Протокол рассылки № 9 от «03» февраля 2023 года)

**Х.К. Рахмонов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н.,  
профессор

**Р.Х. Нурбоев**  
Заместитель секретаря Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.т.н.,  
профессор



**М.З. Шарипов**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.ф.м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире одно из ведущих мест в текстильной и легкой промышленности занимает, особенно для регионов, где сформировались тренды холодных циклонов и низкие температуры зимой, применение инновационных технологий и технических средств, основанных на использовании удобной конструкции и безопасных для здоровья материалов при создании теплозащитной специальной одежды. «В мировом производстве разработка одежды для условий холода составляет: Канада-6,3%, Норвегия-5,7%, США-7,2%, Финляндия-2,9%, Россия-14,1%, Китай-16,5% и Турция-9,2%»<sup>1</sup>. Рост спроса на одежду для холодного климата требует увеличения инвестиций в производство специализированной одежды, реализации экономических программ, направленных на развитие этого сектора. В связи с этим повышение комфортности одежды для работы на открытом воздухе в период зимы и межсезонья (геологи, рабочие железнодорожного и автомобильного транспорта, нефтяники, строители, работники МЧС, моряки и другие), так и в производственных помещениях, где по технологическим причинам необходима низкая температура воздуха и обеспечение соответствия её на весь период эксплуатации имеет важное значение приобретает особую актуальность.

В мировой практике проводятся научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование техники и технологий текстильного и швейно-трикотажного производства, в том числе и теплозащитной специальной одежды, создание и развитие научных основ. В связи с этим особое внимание уделяется созданию материалов с высокими гигиеническими свойствами для обеспечения качества специальной одежды для условий холода, выявлению факторов, влияющих на процесс проектирования и разработке рациональных параметров и научно-обоснованных технологий, снижению себестоимости продукции и полному удовлетворению потребностей внутреннего рынка.

В Республике принимаются широкомасштабные меры по производству импортозамещающей и экспортно-ориентированной высококачественной продукции из местного сырья с использованием инновационных, новых технологий, и достигаются определенные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы отмечены важные задачи, направленные на «...увеличение объема производства продукции текстильной промышленности в два раза, ... дальнейшее развитие экспортного потенциала отраслей местной промышленности на основе максимального задействования имеющихся возможностей...»<sup>2</sup>. Для выполнения этих задач, в частности, важное значение имеют научные исследования, направленные на создание высококачественной конкурентоспособной комфортной теплозащитной специальной одежды.

---

<sup>1</sup> <https://www.europages.info/предприятия/производство%20одежды%20для%20беременных.html>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» УП-60 от 28 января 2022 года

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 16.09.2019 г. №ПП-4453 «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции», Указом Президента Республики Узбекистан от 05.05.2020 г. № УП-5989 «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Многие отечественные и зарубежные ученые внесли вклад в решение проблем проектирования теплозащитной одежды: Афанасьева Р.Ф., Колесников, П.А., Жаворонков А.И., Бринк И.Ю., Черунова И.В., Ташпулатов С.Ш., Бекмурзаев Л.А., Расторгуева Л.Н., Андреева Е.Г., Абрамов А.В., Советников Д.А., Мезенцева Е.В., Бурмистрова О.В., Бессонова Н.Г., Кудрявцев В.И., Лебедева Е.О., Иващенко И.Н., Тунгусова Н.А., Kuklane K., Holmér I., Havenith G., Parsons K., Wang F., Umbach K.H., Angelova R., Stankov P и другие.

В развитие методов и технических решений одежды с элементами терморегуляции вклад внесли: Жаворонков А.И., Никитченко И.И., Власенко О.М., Сорокина Д.Н., Анисимов А.Н., Бабенко Л. Г.; Климова Н.А. и другие.

Наряду с определенными достижениями ученых и специалистов в области разработки теплозащитной специальной одежды, имеется целый ряд нерешенных задач, связанных с ограниченностью учета в них динамически изменяющихся показателей теплового состояния человека в условиях переменной активности при продолжительном охлаждении, а существующие средства обогрева имеют усредненные настройки подачи тепла, что приводит к нерациональным энергетическим системам потребления тепловой энергии и сниженной эффективности тепловой защиты человека в холоде, а также не выявлено работ, которые уделяют внимание защите средств связи от холода, как составляющей части, включенной в пакет материалов одежды.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательской работы Института сферы обслуживания и предпринимательства (филиала) Донского государственного технического университета в г. Шахты Ростовской области, в том числе в рамках по гранту №11.9194.2017/БЧ в рамках базовой части Государственного задания Министерства образования и науки РФ на тему «Исследование и моделирование свойств мягких пористых материалов и оболочек из них в условиях циклического промерзания в среде Северного шельфа для технологий проектирования теплозащитной одежды повышенной износостойкости», а также в рамках научно-исследовательского проекта по

гранту № 9732 ГУ2015 на тему «Разработка защитного чехла для поддержания стабильной работы мобильных средств связи в условиях арктического холода».

**Целью исследования** является расширение функций и повышение эффективности свойств швейных изделий с функцией терморегуляции на базе новых способов и процессов проектирования теплозащитной одежды.

**Задачи исследования:**

анализ проблем обеспечения теплового комфорта человека, особенностей системы «Человек-одежда-среда» при длительном климатическом охлаждении и выявление ресурсов для создания теплозащитной одежды с повышенным уровнем терморегуляции;

исследование и разработка функциональных нагревательных материалов и пакетов теплозащитной одежды на основе новых технологических способов;

разработка математического аппарата, моделирование и расчет параметров рациональных терморегулирующих конструкций теплозащитной одежды;

разработка теоретического и инженерного обеспечения для проектирования новых патентоспособных видов теплозащитных швейных изделий с расширенными функциями терморегуляции человека, теплозащиты интегрированной в одежду электроники, а также функцией трансформации одежды в терморегулируемое теплозащитное снаряжение.

апробация и внедрение результатов исследований и разработок с получением значимого производственного и социального эффекта.

**В качестве объекта исследования** выбрана теплозащитная одежда и процесс управляемой терморегуляции.

